

**ЮКСАК СОЛАХИЯТИЛИ ПРОФЕССИОНАЛ ҲАРБИЙ ПЕДАГОГ  
КАДРЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ МЕЗОНЛАРИ ВА ОМИЛЛАРИ**

*Махмудов Розмет Муратович*

*Ўзбекистон Республикаси Жамоат  
хавфсизлиги Университети профессори,  
педагогика фанлари доктори, профессор*

*Эргашев Элёр Урушевич*

*Ўзбекистон Республикаси Жамоат  
Университети хавфсизлиги мустақил  
тадқиқотчиси*

**Аннотация:** мақолада олий ҳарбий таълим муассасаларида ўқитиш жараёнини мазмун –моҳиятини, ҳарбий-касбий онгини таълим жараёнида шакллантиришда назарий ва амалий дарсларнинг уйғунлаштириш, бўлажак офицерларни касбий фаолиятга йўналтириш ҳамда юксак салоҳиятли ҳарбий педагог кадрларни тайёрлаш - профессионал ҳарбийларни тайёрлашнинг асосий мезонлари ёритилган.

**Калит сўзлар:** ўқитиш жараёни, ҳарбий-касбий фаолият, педагог-тарбиячи, нутқ маданияти, нотиклик санъати, салоҳиятли педагог, профессионал кадр.

**Аннотация:** в статье освещены основные критерии сочетания теоретических и практических занятий по формированию содержания и военно –профессионального сознания в высших военных учебных заведениях, ориентации будущих офицеров на профессиональную деятельность и подготовки высокоэффективных военно-педагогических кадров - професиональных военных.

**Ключевые слова:** учебный процесс, военно-профессиональная деятельность, педагог-воспитатель, культура речи, ораторское искусство, потенциальный педагог, профессиональный персонал.

**Abstract:** the article highlights the main criteria for combining theoretical and practical classes on the formation of the content and military–professional consciousness in higher military educational institutions, the orientation of future officers to professional activity and the training of highly effective military-pedagogical personnel - professional military.

**Keywords:** educational process, military professional activity, teacher-educator, culture of speech, oratory, potential teacher, professional staff.

Республикамизда ҳарбий таълимни модернизация қилиш, Олий ҳарбий таълим муассасаларида ўқитиш жараёнини мазмунини ўзгартириб, бойитиб

янгиланиши, халқаро ҳарбий таълим муассасалари билан рақобатбардош мұхитда Олий ҳарбий билим юртлар ва университетларни фаолиятини ислоҳ қилишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг 2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясининг 90-моддасида давлатнинг мудофаа қобилиягини янада мустаҳкамлаш мақсадида Олий ҳарбий таълим муассасаларининг тегишли ҳуқук ва ваколатларини аниқ белгилаш вазифаларини алоҳида белгилаб берган<sup>1</sup>.

Мазкур вазифаларни амалга ошириш учун таълим жараёнида ўқитиш ва тарбиялаш жараёнини такомиллаштириш, курсантларнинг ҳарбий-касбий онгини таълим жараёнида шакллантиришда назарий ва амалий дарсларнинг уйғунлаштириш, уларнинг ўқитиш ва тарбиялашда мустақил тайёргарлик машғулотларини самарадорлигини ошириш, тажриба-синов тадқиқотлар ёрдамида курсантларни ўқитиш ва тарбиялаш жараёнини оптималлаштириш методикасини ишлаб чиқиш ҳамда уларни қўллаш бўйича усувларни такомиллаштириш муҳим масалалардан ҳисобланади.

Юртимизнинг тинчлиги ва хавфсизлигини таъминлашнинг ишончли кафолати бўлган Миллий армиямизнинг ривожлантириш масалаларида Президентимиз Ш.М.Мирзиёев Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясининг еттинчи йўналишида “...Дунёда ва минтақамизда вужудга келаётган бугунги мураккаб ва таҳликали вазиятда ўз ҳаётини Ватан ҳимоясидек шарафли ишга бағишилаган, халқимиз фахрига айланган жасур ҳарбийларимизнинг жанговар шайлиги, жисмоний ва маънавий тайёргарлигини кучайтириш долзарб вазифамиз...”деган эди<sup>2</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20-апрелдаги ПҚ-2909-сонли “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғриси”да, 2018-йил 5-июлдаги ПҚ-3775 сон “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларга фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”, 2018 йил 4-августадаги ПҚ-3898-сон “Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ҳарбий хизматчиларининг маънавий-маърифий савиясини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги қарорларида мазкур фаолиятга тегишли бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда ҳам белгиланган вазифаларни амалга оширишга муайян даражада хизмат қиласиди.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги 2022-2026 йилларга мўлжалланган “Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60 сон Фармони, қонунчилик маълумотлари базаси, 29.01.2022 й. 06/22 6070082 сон 18.03.2022 й. 0227 сон 21.04.2022 й. 06/22/11303-30- сон.

<sup>2</sup> Янги сайланган Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг лавозимга киришиш тантанали маросимига бағишиланган Олий мажлис палаталари кўшма мажлисидаги нутқи. 6-ноябр, Тошкент - 2021 йил.

XIX аср охири XX аср бошидаги ўзбек миллий маданиятининг машхур вакилларидан бири маърифатпарвар шоир, драматург, журналист, олим, давлат ва жамоат арбоби Абдулла Авлонийнинг педагогикага оид асарлари ичida унинг 1913 йилда ёзган ва 1917 йилда иккинчи бор нашр қилинган “Туркий Гулистон ёхуд ахлоқ” асарида ўз ижтимоий ва ахлоқий-таълимий қарашларини баён этади. Унда “Тарбия бизлар учун ё ҳаёт – ё мамот, ё нажот – ё ҳалокат, ё саодат – ё фалокат масаласи” эканлиги ғоясини илгари суради ва нафақат ўша давр, балки ҳозирги қунда ҳам муҳим аҳмият касб этмоқда. Муаллиф таълим билан тарбиянинг бир-бирига боғлиқ эканини таъкидлайди: “Дарс ила тарбия орасида бир оз фарқ бор бўлса ҳам, иккиси бир-биридан айрилмайдурган, бирининг вужуди бирига бойланган жон ила тан кабидур”<sup>3</sup> дейди.

Олий ҳарбий таълим муассасаларида ўқув-тарбия жараёнининг натижаларининг таҳлили, назарий амалий дарсларни уйғунлашувини ўрганиш, курсантларни ўқитиш ва тарбиялашда мустақил тайёргарликнинг роли ва ўқитиш жараёнини оптималлаштиришнинг омиллари, тарбиявий таъсир этиш кўрсаткичларнинг ўзаро таъсир даражаси ва қайта алоқаси динамикасининг бекарор ҳисобга олиш асосида аниқлаш ва аниқлаштириш муҳим аҳмият касб этади. Жамоат хавфсизлиги унверситетида 2022-2023 ўқув йилидан “Кўшинларнинг тактик-қўмондонлиги” таълим йўналишида гуманитар фанларни қисқартириш эвазига умумкасбий ва ихтисослик фанларининг улушини 85% га кўпайтириш асослаб берилган.

Курсантларнинг касбий фаолиятга йўналтиришда “**Билим → қўникма → интизом**” тамойилини жорий этиш, бунда аъло баҳоларга ўқиган амалий фаолиятда яхши натижани кўрсатган (қўникма), ўқув тарбиявий жараёнда ички тартиб қоидаларига қатъий амал қилган (интизомли) битирувчи курсантларни нуфузли бўлинмалардан иш жойларини танлаш ва ўша жойларга ўтишни танлаш имтиёзини бериш, бундай битирувчиларга бир йил давомида “**Умидли**”, “**Иқтидорли ходим**”, қўкрак нишони ва қўшимча тўловни жорий этиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиши давр талаби.

Ҳар бир курсант бўлажак педагог-тарбиячи энг аввало фаолиятни бошлаганда, дарров аудиторияга кириб дарс ўтиш мақсадга мувофиқ эмас, чунки аудитория бу бўлажак офицерлар, мутахасислар, педагоглар ҳисобланади. Аудиторияга тажрибали, фанни яхши биладиган, педагогик стажга эга бўлган ходимларни кириши мақсадга мувофиқ бўлади. Бошқа томондан эса янги, ёш педагогларни “Ёш педагоглар мактаби” да ўқитиш лозим бўлади, чунки улар маъруза нима, мунозара нима, амалий машғулот нима, лабаратория ишлари нима эканлигини яхши ўzlари билиб олишлари лозим бўлса, бошқа томондан худди

<sup>3</sup> А.Авлоний. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ. — Т.: ўқитувчи, 1992. - б 14.

шундай маъруза, мунозара, амалий машғулотларни, лабаратория ишларини ўтказиш ва ёзиш методикасини билиб олишлари кўникмалар, малакалар ҳосил қилишлари лозим бўлади.

Амалиётда эса сал бошқачароқ бугунги кунда, масалан, ёш педагоглар ўзидан олдинги профессор-ўқитувчиларнинг маъруза матнларини, мунозара, амалий машғулот дарсларини материалларини олишиб у ёки бу тамонларини қисман ўзгартириб аудиторияга кириб дарс ўтишмокда, аслида бу жуда ҳам тўғри эмас, сабаби Педагогика университетлар, институтларда ўқитувчиликка, педагогликга, тарбиячиликга тўрт беш йил ўқитишиади. Ўқитиши методикаси деган фанни камида икки йил талабаларга ўтилади ва шунда ҳам профессионал кадр бўлиб етишмайди, бунга анча вақт керак бўлади.

Шунинг учун ҳарбий педагог кадрларни малака оширишга Педагогика университети ва институтларига энг камида 3 ойга ёки 6 ойга юбориш керак бўлади (ҳарбий муассаса (бўлинма) малака оширеётган университет ва институтларга кадрларни малакасини оширеётганликлари учун пул ўтказишиади). Шундагина ёш мутахасис педагогик маҳоратга эга бўлади. Малака оширишда уларга “Нутқ маданияти”, “Нотиқлик санъати” фанларидан нафақат назарий дарслар, шунингдек амалий машғулотлар ҳам ўтказиш талаб этилади.


Ундан ташқари “Аудитория билан ишлаш”, “Аудиторияни бошқариш”, “Аудиоторияга таъсир этиш санъати” тушунчалари сингдирилиб борилади. Маъруза тайёрлаш методикаси ўргатилади. Мунозарада эса мунозара саволи билан маъруза саволини фарқи ўргатилади.

Юксак салоҳиятли ҳарбий педагог кадрларни тайёрлаш - профессионал ҳарбийларни тайёрлашнинг асосий мезонларидан ҳисобланади. Ҳарбий педагогларни бугунги кунда тарбиялашда, ўқитишида мураббийларнинг роли, ўрни ўзгача айниқса, уч авлод учрашуви орқали тажриба алмашишиади. Яхши педагог яхши кадрларни етиштиради. Олий ҳарбий таълим муассасаларида офицер кадрларни тайёргарлиги сифати устидан кўп поғонали назорат юритиш бўйича таклифлар Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг 2020-йил 3-июлдаги 505-сонли буйруғи билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Мудофаа Вазирлиги тасарруфидаги олий ҳарбий таълим муассасалари фаолиятини тартибга солиш тўғрисида”ти Низомнинг 148-бандида акс эттирилган.

Ҳарбий педагог кадрларни тайёрлашда уларга ўқув жараёнини оптималлаштириш курсантларга билим олиш учун машғулот мавзусидан келиб чиқиб, мавзунинг мақсади, вазифаси, предмети, объектини тўғри танлай олиш бу, муаммони бир томони бўлса, иккинчи томони, мавзунинг мазмунини барча интерфаол ўқитиши усулларидан электрон доскалардан фойдаланиб ўқита билиш ҳам оптималлаштиришнинг энг зарур томони ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида“ти Қонуни<sup>4</sup> асосида таълимга оид ва таълим билан боғлиқ тушунчаларга изоҳ берилган, айниқса, ушбу қонунинг 17-моддасида Янги тушунча “Дуал таълим” тушунчасининг мазмун - моҳияти ёритиб берилган. Дуал таълим тушунчасини билмаган педагог янги педагогик технологиялардан узоқ педагог хисобланади. Лекин, Олий ҳарбий таълим муассасаларига “Дуал таълим” амалиётга тадбиқ этилганича йўқ. Кўп йиллик педагогик тажрибаларимиздан келиб-чиқиб, юксак салоҳиятли педагог кадрларни тайёрлашда қуйидаги омиллар муҳим ҳисобланади:

- а) Педагогнинг асосий (базавий) маълумотига;
- б) Педагогнинг билим даражасига, тажрибасига;
- с) Педагогнинг касбини қай даражада яхши қўришига;
- д) Педагогни ўраб турган муҳитига, шаклланишига ёрдам берувчи объектив ва субъектив омилларга;



- е) Мураббийига, уни шогирдига қай даражада ёрдам беришига, самамийлиигига;
- ф) Нутқ маданиятига, педагогик технологиялардан тўғри ва мукаммал фойдалана олишига;
- г) Педагогни амалиётни нечоғли яхши билиши ҳам муҳим ҳисобланади;
- и) Ўзини устида тинмай ишлаши;

Олий ҳарбий таълим муассасаларида педагог кадрларни нафақат педагоглар жамоаси, балки, муассасадаги муҳит тарбиялайди, шунингдек курсантлар аудиторияси ҳам тарбиялаши, ҳам ўз устида ишлашига мажбур этади. Юксак салоҳиятли педагог кадрларни мезонини курсантларни ўқитишда уларни дарсни тинглашига, мунозара дарсларига уларнинг муносабатларидан билинади.

<sup>4</sup> O‘zbekiston Respublikasining “Ta’lim to‘g‘risida”gi Qonuni.(23.09.2020) // Qonun hujjatlari ma’lumotlari milliy bazasi, 24.09.2020., 03/20/637/1313 – son.

Педагогни салоҳиятли бўлиши учун узоқ йиллар керак бўлади, лекин, узоқ йиллар педагоглик билан шуғулланган баъзи бир шахсларда маҳорат ҳам шаклланмаслиги мумкин, чунки бундай шахслар фақат дарс берувчига айланиб қолишади.

Бугунги кунда професор-ўқитувчиларнинг дарс ўтишини курсантлар томонидан бевосита ва билвосита назорат қилиб бориши ҳам уларни ўзини устида ишлашларига мажбур этади.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб, бугунги узлуксиз таълим тизимини ҳуқуқий тартибга солишга қаратилган ва таълимни мақбуллаштирган имкониятларини кўрсатадиган, “Таълим тўғрисида”ги Қонунни ижросини тўлиқ таъминлаш вақти келди, масалан, 1997 йил 29-августдаги “Таълим тўғрисида”ги Қонуннинг 5-моддасида ким педагогик фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқига эга деган саволга жавоб бор эди, бугунги кунгача, 2020 йил 23-сентябрдаги “Таълим тўғрисида”ги Қонуннинг 44-моддасида ушбу саволга жавоб ёзилган.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни. (23.09.2020) // Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 24.09.2020., 03/20/637/1313 – сон.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги 2022-2026 йилларга мўлжалланган “Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60 сон Фармони, қонунчилик маълумотлари базаси, 29.01.2022 й. 06/22 6070082 сон 18.03.2022 й. 0227 сон 21.04.2022 й. 06/22/11303-30- сон.
3. Ш.М.Мирзиёев. Янги Ўзбекистон стратегияси. Тошкент: Ўзбекистон нашрёти, 2021. - 458 бет.
4. А.Авлоний. Туркий гулистон ёхуд аҳлоқ. — Т.: Ўқитувчи, 1992.- б 14.